

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.SS.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЙТОВ ЭЛМУРОД БЕКМУРОДОВИЧ**

**ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИДА ИННОВАЦИОН  
СИЁСАТНИНГ ЎРНИ**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии  
(PhD) по политическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on political sciences**

**Хаитов Элмурод Бекмуродович**

Жамият маънавий юксалишида инновацион сиёсатнинг ўрни ..... 3

**Хаитов Элмурод Бекмуродович**

Роль инновационной политики в духовном подъеме общества..... 21

**Khaitov Elmurod Bekmurodovich**

The role of innovation policy in the spiritual rise of society ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.SS.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЙТОВ ЭЛМУРОД БЕКМУРОДОВИЧ**

**ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИДА ИННОВАЦИОН  
СИЁСАТНИНГ ЎРНИ**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Ss186 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ахмедов Хусниддин Аликулович**  
сиёсий фанлар доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Жўраев Нарзулла Қосимович**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Мавлонов Шавкат Муртазаевич**  
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат иқтисодийёт университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.SS.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «20» июль соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: [pauka@nuu.uz](mailto:pauka@nuu.uz). Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-кават, 511-хона.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (36 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-кават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-67-71; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил «17» 07 куни тарқатилди.  
(2021 йил «20» 07 даги 32 рақамли реестр баённомаси)



**Ш.И.Пахрутдинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор.

**К.М.Мирзаахмедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.д.(PhD).

**А.Г.Муминов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда глобаллашув жараёнларига сабаб бўлаётган, умумэтироф этилган кадриятлар, меъёрлар ҳамда жамият маънавий қиёфасига бўлган салбий ёндашув, қараш ва позицияларнинг кенгайиб, чуқурлашиб бориши бугунги кунда ҳар бир давлатнинг маънавий янгилашишга қаратилган сиёсий ўзгаришларни амалга ошириш, ахлоқий, маънавий тарбия тизимининг мустаҳкам асосини яратишга қаратилган самарали ислоҳотлар олиб боришни тақозо этмоқда. Ушбу жараёнлар умуминсоният ҳаётининг таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда. Айни пайтда, бундай мураккаб интенсив жараёнларнинг глобал сиёсат ва миллий маънавият тизимига комплекс таъсирини ҳар бир давлат сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ илмий тадқиқотлар, изланишлар ва уларнинг амалий натижаларини ижтимоий ҳаётга жорий этиш долзарблашиб бормоқда.

Жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказларида демократик тараққиёт мезонларига хос маънавий ҳаёт тамойиллари ва унинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий имкониятлар платформасида ролини кучайтириш, давлатнинг бу соҳадаги ислоҳотларида инновацион ривожланиш сиёсати самарадорлигининг янги механизмларини амалга ошириш юзасидан кўплаб илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, жамият маънавий юксалишини таъминлашга инновацион ривожланиш технологиялари ва механизмларини қўллаш, бу борада ҳар бир мамлакатнинг миллий хусусиятлари, манфаатларини ҳисобга олишдаги минтақавий муаммоларни тадқиқ қилиш, ер юзидаги халқлар ва миллатларнинг маънавий ҳаётидаги муштараклик ва этник хусусиятлар гармонияси фуқаролик жамияти институтлари, ҳудудий ижроия институтлари томонидан етарли даражада ўрганилмаганлиги инновация соҳасидаги муаммолар ечимига эътибор қаратмоқда.

Янги Ўзбекистонда жамият маънавий юксалишининг миллий тизимини яратишда юзага келаётган муаммоларнинг самарали ечимларини топиш эҳтиёжи кучаймоқда. Бу соҳадаги муаммоларни тизимли тадқиқ қилиш давлатнинг инновацион сиёсати орқали амалга оширилиши муҳим вазифа этиб белгиланди. “Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, одамларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз”<sup>1</sup>. Бу борада жамиятнинг маънавий юксалишини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янада самарали бўлиши учун ҳозирги замон инновацион тамойиллар тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш механизмларини

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиз» номли нутқи. “Халқ сўзи”, 2017 йил 4 декабрь.

оптималлаштиришга доир яхлит концептуал назарий ишланмаларни ишлаб чиқиш мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ-3416-сон “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3365-сон “Илмий тадқиқот муассасалари инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари давлатнинг мамлакат инновацион ривожланишини таъминлаш сиёсати самарадорлигида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Диссертация мазкур муҳим ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жамият маънавий юксалишида ҳаётимиз барча соҳаларида рўй бераётган инновацион ўзгаришлар ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ушбу жараёнга таъсири билан боғлиқ масалалар таҳлилида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва фармонлари мазкур тадқиқотнинг илмий-методологик асоси бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг мазкур йўналишдаги тизимли тадқиқотлари етакчи илмий марказлари Республика маънавият ва маърифат маркази, “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиқ фикрини ўрганиш маркази ҳамда олий таълим муассасалари Ўзбекистон миллий университети, Минтақалараро стратегик тадқиқотлар институтлари томонидан амалга оширилмоқда.

Жамият маънавий юксалишини таъминлашда қадимий манба “Авесто” асари, буюк мутафаккир аждодларимиз Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Абулқосим Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг<sup>2</sup> асарлари ва маънавий-ахлоқий таълимотлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Диссертация мавзусининг сиёсатшунослик нуқтаи назаридан таҳлили ва талқинида Ш.Пахрутдинов, Т.Жўраев, И.Эргашев, Н.Жўраев, А.Муминов,

<sup>2</sup> Қаранг: Т.Карим. Муқаддас “Авесто” изидан. – Тошкент: 2000; Имом ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005; Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Тошкент: Ёзувчи, 2001; Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Тошкент: Фан, 1972; Абу Али Ибн Сина. Философский трактаты. – Москва: Наука, 1980; Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Фан, 1971; Абдулқосим Замахшарий. Нозик иборалар. – Тошкент: Камалак, 1992; Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: 1990; Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983; Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989.

Қ.Қуранбоев, А.Қодиров, В.Қўчқоров, Ф.Равшанов, Т.Алимардонов<sup>3</sup> каби олимларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу йўналишда ижтимоий-сиёсий фанлар нуқтаи назаридан Қ.Назаров, А.Холбеков, Ҳ.Ахмедов, А.Абдумаликов, Ж.Мавлонов, Т.Матибоев, С.Норкулов каби тадқиқотчиларнинг кейинги йиллардаги изланишлари ва улар томонидан ҳимоя қилинган диссертацияларда мавзунинг баъзи замонавий жиҳатларига эътибор қаратилган<sup>4</sup>.

Янги Ўзбекистонда жамият маънавий юксалишини таъминлашда давлат бошқаруви, хусусан, ижро ҳокимияти тизимини модернизациялаш масалаларида инновация сиёсатининг ўрни сиёсий фанлар нуқтаи назаридан Ф.Жўрақулов, Р.Жўраев, К.Мирзаахмедов, Ш.Мавлонов, Ў.Шакаров, А.Эшмуродов<sup>5</sup> сингари ёш тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Шунингдек, бу соҳада хорижий олимлар С.Хантингтон, Т.Парсонс, О.Шпенглер, Э.Фромм, Ю.Хабермас, Ф.Фукуяма, З.Бжезинский, А.С.Майданов, В.Иноземцев, В.Т.Ганжин, А.Г.Спиркин, А.Н.Чумаков, Р.Ф.Авдеева, Т.А.Алексеев, Ю.А.Нисневич, В.Слипченко, В.В.Согрин<sup>6</sup> асарларида маънавий юксалишнинг динамикаси, жамият ва инсоннинг маънавий қиёфаси, маънавий юксалишни таъминлашда ахборот ва инновация сиёсатининг ўрни каби илмий-назарий таълимотлар вужудга келди. Қолаверса, хорижий мамлакатлар ўқув ва илмий муассасаларида сиёсат ва маънавиятнинг узвий боғлиқлиги, бу борадаги инновациялар масаласига доир муҳим тадқиқотлар амалга оширилганлигини эътироф этиш лозим.

Буларнинг барчаси жамият тараққиётида инновацион ривожланиш тамойиллари тизими ва уларни барқарор қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар ва муаммолар олимлар ҳамда мутахассислар эътибори қаратилган мавзулар қаторига кириши ушбу йўналишда кўплаб тадқиқотлар олиб борилаётганидан далолат беради.

Айни пайда, ҳозирги даврда Ўзбекистонда шаклланаётган инновацион ривожланишни таъминлаш сиёсатининг моҳияти ва унинг самарали амал қилиш имкониятлари, бу борадаги мавжуд механизмни оптималлаштириш йўллари ва воситаларини излаб топиш мавзуси ҳалигача махсус тадқиқот объекти бўлмагани ҳам диссертация долзарблигини оширади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидан 2017-2021 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш бош стратегияси режасининг II. "Жамиятнинг

<sup>3</sup> Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари номи диссертациянинг "Фойдаланилган адабиётлар рўйхати" қисмида келтирилган.

<sup>4</sup> Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари номи диссертациянинг "Фойдаланилган адабиётлар рўйхати" қисмида келтирилган.

<sup>5</sup> Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари номи диссертациянинг "Фойдаланилган адабиётлар рўйхати" қисмида келтирилган.

<sup>6</sup> Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари номи диссертациянинг "Фойдаланилган адабиётлар рўйхати" қисмида келтирилган.

фалсафий, диний, ҳуқуқий, сиёсий тараққиётини таҳлил қилиш ва уни ўрганишни такомиллаштириш" мавзусидаги устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги даврида жамият маънавий юксалишини таъминлашда инновацион ривожланиш жараёнига таъсир кўрсатувчи қонуниятлар самарасини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“жамият маънавий юксалиши” ва “инновацион ривожланиш сиёсати” тушунчаларининг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятларини таҳлил қилиш;

давлатнинг маънавий соҳадаги инновацион ислоҳотларининг ижтимоий-сиёсий табиатини кўрсатиб бериш;

маънавий янгиланаётган жамиятга хос инновацион тамойиллар тизимини шакллантириш сиёсатининг ҳуқуқий асосларини очиб бериш;

мамлакатимиз инновацион ривожланишини самарали бошқариш – сиёсий ва маънавий янгиланишнинг муҳим омили самарасини янада ошириш йўллари ва имкониятларини очиб бериш;

жамиятнинг инновацион ривожланишини таъминлаш сиёсатидаги янгиланишлар жараёнининг муаммолари ва ечимлари механизмининг илмий асослаш;

иктисодий сиёсатга доир замонавий инновацион тамойилларни оптималлаштириш йўллари кўрсатиб бериш;

инновацион ривожланиш сиёсатининг ижтимоий ва маънавий-маърифий ислоҳотлардаги устувор йўналишлари бўйича назарий хулоса, амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** жамият маънавий юксалишида давлат инновацион сиёсатининг ўрни ва аҳамияти ортиб бориш жараёнлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** инновацион сиёсатнинг жамият маънавий юксалишини таъминловчи технологиялари трансформациясидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тарихийлик ва мантиқийлик, кузатув ва таҳлил, замонавийлик ва тизимлилик, анализ ва синтез, умумлаштириш ва институционал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг янги маънавий қиёфаси ва инновацион ривожланиш сиёсатига хос социал детерминизмнинг гуманистик табиати, интенсив ўсиш тамойиллари, беқарорлик ва таҳдидларга қарши курашнинг сиёсий омиллари ҳамда миллий ва умуминсоний хусусиятлари очиб берилган;

жамиятни инновацион ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий ресурслар, инсон омили, эҳтиёжларнинг эволюцион генезиси ва маънавий юксалиш динамикасининг мослашувчан, алоқадорлик механизмлари кўрсатиб берилган;

жамият маънавий равнақи ва инновацион ривожланишига хизмат қилувчи сиёсий институтлар, давлат ва жамият ўртасидаги ижтимоий



муносабатлар мазмунини баҳолашнинг шаффофлик, тизимлилик, сиёсий компетентлик даражалари очиб берилган;

жамият маънавий юксалишига таъсир кўрсатадиган инновацион сиёсатни рационал-ҳуқуқий таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий прогнозлаш, давлат имкониятларини сафарбар этиш самарали механизмлари илмий асосланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

тадқиқот натижалари жамият инновацион ривожлантириш сиёсатининг мазмун-моҳиятини, амал қилиш хусусиятларини тадқиқ қилиш эҳтиёжининг ўсиши, бир томондан, мамлакатимиздаги сиёсий ислохотларнинг ушбу соҳадаги самарадорлигини таъминлаш эҳтиёжи билан, бошқа томондан эса, мазкур йўналишдаги фаолиятни оптималлаштиришга доир илмий-назарий аҳамиятга эга таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилади;

тадқиқот натижалари бугун жамиятни инновацион ривожланишини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини янада оптималлаштиришга оид муайян билимлар ва уларнинг ҳаётга татбиқи жараёнини самарали ташкил қилиш йўллари, ушбу соҳадаги долзарб вазифаларни бажаришнинг замонавий усуллари ва инновацион воситалари диссертация ишининг амалий аҳамиятини ташкил этади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унинг ишончли асослардан олингани, бундай ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, мақолалар, хулосалар ва таклифларнинг ОАК тасдиқлаган республика ва хорижий журналларда, халқаро ҳамда республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида чоп этилгани ва амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимиздаги кенг қамровли ислохотлар ва туб ўзгаришлар шароитида жамият инновацион ривожланишини янада оптималлаштириш омиллари, йўллари, усул ва имкониятларини чуқурроқ англаб етиш ҳамда шу асосда амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш билан изоҳланади. Жамият инновацион ривожини таъминлашга доир давлат сиёсати бўйича дастурлар ишлаб чиқиш, тадқиқот мавзуси билан боғлиқ муаммоларни илмий тадқиқ этиш, олий ўқув юртларида ижтимоий фанлар бўйича ушбу соҳага оид мавзуларни ўқитиш жараёнларида, аҳоли орасида турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда илмий манбалардан бири сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация иши материалларидан, ундаги хулоса, таклиф ва натижалардан маънавий-маърифий тарбия бўйича ходим ва мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, педагог ва тарбиячиларнинг мамлакатимиз инновацион ривожланишини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати ютуқ ва натижаларини кенг тарғиб

қилиш, унинг таъсирчанлигини оширишга қаратилган фаолиятни самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришда ижодий фойдаланиш мумкинлиги билан белигиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жамият маънавий юксалишида инновацион сиёсатнинг ўрнини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий назарий хулоса ва таклифлар асосида қуйидагиларга эришилди:

Ўзбекистоннинг янги маънавий қиёфаси ва инновацион ривожланиш сиёсатига хос социал детерминизмнинг гуманистик табиати, интенсив ўсиш тамойиллари, беқарорлик ва таҳдидларга қарши курашнинг сиёсий омиллари ҳамда миллий ва умуминсоний хусусиятларини очиб беришга доир илмий асосланган натижалар, таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан 2019-2020 йилларда ўтказилган тарғибот фаолиятида фойдаланилди. (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 3 декабрдаги 02/07-1060-сон далолатномаси). Натижада, диссертацияда келтирилган илмий хулосалар Марказнинг “Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари” тамойилига таянадиган ва мамлакатда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда зиёлилар намоёндалари салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда тизимли тарғиботни амалга ошириш” мавзусидаги дастури бандларини ишлаб чиқишга, тарғибот материалларини тайёрлашга хизмат қилган;

жамиятнинг инновацион ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий ресурслар, инсон омили, эҳтиёжларнинг эволюцион генезиси ва маънавий юксалиш динамикасининг мослашувчан, алоқадорлик механизмлари кўрсатиб берилган хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат маркази “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да маънавий-маърифий ишлар натижадорлигини ошириш дастурининг II боби “Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот тадбирлари”нинг 10-бандида белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация материалларидан фойдаланилди. (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 3 декабрдаги 02/07-1060-сон далолатномаси). Натижада, жамиятнинг инновацион ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий ресурсларни баҳолаш, инсон омилини ҳисобга олиш, эҳтиёжларнинг эволюцион генезиси ва маънавий юксалиш динамикасини баҳолашга хизмат қилган;

жамият маънавий раўнақи ва инновацион ривожланишига хизмат қилувчи сиёсий институтлар, давлат ва жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатлар мазмунини баҳолашнинг шаффофлик, тизимлилик, сиёсий компетентлик даражалари очиб берилган илмий хулосалардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизими фаолиятида фойдаланилди. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 12 январдаги 89-03-148-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим тизимида

маънавий муҳитни такомиллаштириш, тарбия жараёнларини ташкил этишга нисбатан замонавий инновацион усулларни қўллаш орқали Янги Ўзбекистонда таълим-тарбияни самарали ташкил этиш ва бошқариш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган;

жамиятнинг маънавий юксалишига таъсир кўрсатадиган инновацион сиёсатни рационал-ҳуқуқий таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий прогнозлаш, давлат имкониятларини сафарбар этиш самарали механизмлари илмий асосланган хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2020 йилги иш режаси ижросида кенг фойдаланилди. (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг 2020 йил 17 декабрдаги 04-13/2946-сон далолатномаси). Натижада, диссертация ёшлар ўртасида ишсизликка ўрин қолдирмаслик, уларни касб-хунарга жалб этиш, “Ёшлар тадбиркорлиги – келажак пойдевори” тамойили бўйича ёшлар сиёсатини янада ривожлантиришга хизмат қилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 11 та республика илмий-амалий конференцияларда апробация қилинган.

**Диссертация натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иши, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (5 таси республика, 2 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 143 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, унинг мамлакатимиз илм-фани ривожини таъминлайдиган йўналишлар билан боғлиқлиги, илмий янгилиги, объекти, предмети асосланган, бу борада қўлланилган услублар, ишнинг мақсади ва вазифалари баён қилинган, натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилгани, апробацияси, тадқиқот нашр этилган илмий ишлар тузилиши ва ҳажмига доир маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Жамият маънавий юксалиши” ва “инновацион ривожланиш сиёсати” тушунчаларининг ижтимоий-сиёсий таҳлили**” деб номланган. Мазкур йўналишдаги тадқиқотимиз шундан далолат берадики, жамият тараққиётининг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтаётганида халқ ҳаётида рўй бераётган туб бурилишлар билан бирга, инновациялар соҳаси ва улар билан боғлиқ тамойиллар ҳам ўзгаради ҳамда янгиланади.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи **“Жамият маънавий юксалиши” ва “инновацион ривожланиш сиёсати” тушунчаларининг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятлари**” деб номланган. Кенг кўламли ислохотлар

туфайли тобора янгиланаётган давлатимизнинг инновацион ривожланиш сиёсати жараёнида шаклланаётган ушбу тушунча ҳамда тамойиллар бу борадаги ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнида шаклланиб, бугунги амалиётда ўзлигини тобора яққол намоён этмоқда.

“Ўзбекистоннинг янги қиёфаси” юртимизда бугунги кунда яшаётган барча кишиларнинг эзгу мақсад-муддаоларини акс эттирадиган ва амалга оширилаётган ислохотлар самарасини таъминлашга бел боғлаган умумхалқ ҳаракатининг бош ғоясини ифодаладиган тушунча. Унинг муҳим жиҳати шундаки, айнан у биз ўрганаётган ва бугунги кунда шаклланаётган инновацион ривожланиш сиёсати ва унинг таркибий қисмлари бўлган янги инновациялар учун сиёсий асос, ҳуқуқий таянч бўлиб ҳисобланади.

Кейинги ўн йилликларда рўй бераётган ўзгаришлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш эҳтиёжларига мос инновациялар тизимини шакллантириш ва ушбу жабҳадаги инновацион жараёнлар тадрижи юртимизда ҳам худди шундай қонуният амалга ошаётганидан далолат беради. Айнан шу туфайли, бугунги кунга келиб “Янги Ўзбекистон”, “Бошқарувнинг инновацион ва мослашувчан моделлари”, “Инсон капиталини юксалтириш”, “Инновацион ривожланиш”, “Эркин ва рақобатбардош иқтисодиёт”, “Билимлар иқтисодиёти”, “Тадбиркорлик кодекси”, “Инвестиция кодекси”, “Ақлли тиббиёт” каби тушунчалар ҳаётимизга кириб келди ва сиёсий луғатимиздан мустаҳкам жой олмоқда.

Бу жиҳатдан, “Инновацион ривожланиш сиёсати” тушунчаси жамият ҳаёти барча соҳаларидаги янгиланишлар, юзага келаётган инновацияларни амалиётга жорий этиш билан узвий боғлиқ давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини, унинг йўналишлари ва бу борада қўлланилаётган усул ҳамда воситалардан фойдаланиш жараёнини ифодалайди, инсон, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида турлича тарзда намоён бўладиган сиёсий жараёнларни акс эттирадиган атама маъносини англатади.

Ушбу тушунчалар, аввало, қарийб ўттиз йилдан буён мустақил тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон жамиятининг бугунги куни, янги тараққиёт босқичи ва давлатимизнинг шунга мос инновацион ривожланиш сиёсати шаклланиши жараёнининг пировард мақсад-муддаоларини яққол ва яхлит ифодалайди. Айни пайтда, улар мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар пировард натижаларига эришишнинг самарали йўл ва имкониятларини ҳам ўзида акс эттиради.

Диссертация биринчи бобининг иккинчи параграфи “Давлатнинг маънавий соҳадаги инновацион ислохотларининг ижтимоий-сиёсий табиати” деб номланган. Тадқиқотимиз кейинги йилларда жамиятимизнинг янги маънавий қиёфасини барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида шаклланаётган инновацион ривожланиш сиёсатининг тўла-тўқис намоён бўлишига таъсир кўрсатаётган муҳим омилларни аниқлаш имконини берди.

Бу омиллар орасида янги Ўзбекистонни барпо этиш талабларига мос инновацион ривожланиш сиёсатини шакллантириш зарурати давлат тизими

ва бошқарув тузилмасини, халқ хўжалигининг барча тармоқлари ишини янгилаш, улар фаолиятини ҳозирги давр талаблари даражасида ташкил қилиш ва бу борада самарали фаолият юритиш, замонавий технология ҳамда фан ва техника ютуқларидан баҳраманд бўлиш, улардан кенг фойдаланиш кабилар алоҳида ажралиб туради.

Мамлакатимизда замонавий инновациялар тизими шаклланиши жараёнига хос умумий қонуният ва хусусийлик шундаки, инновацион ривожланиш сиёсатининг шаклланиши, бир томондан, давлат ва жамиятнинг янгилиниши, ҳуқуқий, сиёсий, бошқарув ва маъмурий соҳалардаги туб ислохотларга таянади, иккинчи томондан эса, ушбу жараёнда мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари, халқимизнинг менталитети, урф-одатлари, миллий ҳаёт тамойиллари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабдан, бугунги кунда тобора глобаллашиб бораётган дунёда, бир томондан, тадқиқотимиз бағишланган соҳада ҳам турли-туман хуруж ва таҳдидларга қарши кураш зарурати пайдо бўлмоқда, иккинчи томондан, бундай серқирра ва мураккаб ислохотлар билан боғлиқ масала ва ечимларга доир вазифаларни бажариш зарурати давлат сиёсатининг муҳим талабига айланмоқда.

Айни пайтда, умумсиёсий жараённинг муттасил давом этаётгани, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар динамикасида ижобий жиҳатлар устуворлигини таъминлашга эришиш бунда барча таъсирчан омилларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Жамият маънавий қиёфаси инновацион ривожланишининг сиёсий ва ҳуқуқий асослари”** деб номланиб мавзу сиёсий фанлар нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Мазкур йўналишдаги жараёнлар тадрижи шундан далолат берадики, ҳозирги даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган инновацион ривожланиш сиёсати билан боғлиқ тушунчалар ва тамойилларни самарали шакллантириш омиллари ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган янгилинишлар билан узвий алоқадорликда намоён бўлмоқда.

Жамиятимиздаги маънавий ўзгаришларнинг ўзига хос инъикоси бўлган ушбу жараён янги инновацион тамойилларнинг фуқаролар бугунги маънавий дунёсига ўрнашиб ва мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Бу эса, ўз навбатида, янги инновациялар тизими ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамланиши билан боғлиқ жараённи эътиборга олиш бу борадаги ислохотлар аҳамиятини чуқур ўрганиш зарурлигидан далолат беради.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи **“Маънавий янгиланаётган жамиятга хос инновацион тамойиллар тизимини шакллантириш сиёсатининг ҳуқуқий асослари”** таҳлилига бағишланган. Кейинги йилларда ҳаётимизнинг барча соҳалари каби давлатимиз инновацион ривожланиш сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу муносабат билан, юртимизда бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, жамият янги қиёфасига мос инновацион ривожланиш сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли чора-

тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонунини мамлакатимизда инновацион тамойиллар тизими шаклланишининг асосий ҳуқуқий ҳужжати дейиш мумкин.

Давлатимиз инновацион ривожланиш сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган ушбу қонундан ташқари яна бошқа муҳим ҳужжатлар ҳам ушбу йўналишдаги инновацион ривожланиш сиёсатини шакллантиришга хизмат қилаётганини бугунги ҳаётимиз яққол тасдиқлайди.

Жамиятда янги инновациялар тизими шаклланиши ва бу борадаги инновациялар жараёни учун зарур ҳуқуқий омилларни яратишга хизмат қиладиган мазкур ҳужжатлар мазмун-моҳияти соҳадаги ишлар самарасини белгилайди.

Янги инновациялар тизими шаклланишини заруратга айлантираётган демократик тамойилларни жамият ҳаётига жорий этиш ислоҳотлар бош мақсади бўлгани сабабли бу жараён ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш йўлидаги янгиланишларнинг муҳим таркибий қисмига айланиб бормоқда.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи “Мамлакатимиз инновацион ривожланишини самарали бошқариш – сиёсий ва маънавий янгиланишнинг муҳим омили” мавзуси таҳлил қилинган. Тадқиқотимиз жамиятда инновацион ривожланиш сиёсати самарадорлигини таъминлаш ва мавжуд иш механизминини янада оптималлаштириш учун давлат бошқаруви ижтимоий, сиёсий соҳаларида фаоллик кузатила бошланди. Халқ орасида, агар фуқаролар ўтказилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этса, халқ иродасига суянилса, одамлар туб ўзгаришлар моҳиятини англаб етса, ислоҳотларни қўллаб-қувватласа, мамлакатдаги янгиланиш, модернизация бўйича қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш, албатта, амалга ошади, деган умуммиллий ишонч шаклланди.

Бу жиҳатдан, айниқса, ҳокимиятнинг қонунчилик ва ваколатли органларидан ўрин олган сиёсий партиялар ва депутатларнинг мустақил гуруҳлари марказ ҳамда жойларда ижроия органларини шакллантиришда бевосита иштирок этишлари ва шулар орқали ўз дастурий мақсадларини амалга оширишлари учун алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу йўналишнинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш ҳамда юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий янгиланишларда ижро ҳокимияти фаолиятини кучайтириш, бағрикенглик ва инсонпарварлик намуналарини намоён қилишда аҳоли кенг қатламларининг масъуллиги ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, инновацион ривожланишни бошқариш сиёсатининг муҳим омиллари бўлган ва кейинги йилларда ташкил топаётган тузилма ва институтлар демократик меъёрлар ҳамда умуминсоний андозаларга мос бўлса-да, муайян мазмун-моҳиятига кўра, улар олдида қўйилган талабларга жавоб бериш ва амалиётда ўзларини оқлашлари учун муайян вақт талаб қилинади. Шунга кўра, бу йўналишда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги республика қонунчилигини халқаро меъёрларга мувофиқлик

даражасини янада ошириш билан бирга, аҳолининг бугунги кунга мос ижтимоий-сиёсий фаоллигини шакллантириш ва фаол фуқаролик позициясини намоён қилиши учун кенг имкониятлар яратишга қаратилган давлат сиёсатини янги босқич талаблари даражасига кўтариш муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, одамларнинг демократик ислохотларга дахлдорлигини кучайтириш ва шаклланаётган инновацияларга нисбатан муносабатни янада чуқурлаштириш учун шароит ҳозирлаш ва бунда фуқаролар ҳукуқий маданиятни ошириш ва қонунларни ҳурмат қилиб яшаш имкониятларини кенгайтиришга ҳаракат қилиш зарурати мавжуд.

Буларнинг барчаси, янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфаси ва унга мос инновациялар тизимини шакллантиришнинг муҳим омиллари бўлиб, улар демократик ислохотларни чуқурлаштиришга нисбатан муайян тайёргарликни талаб қилади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Давлатнинг инновацион ривожланиш сиёсати самарадорлигини янада ошириш йўллари ва имкониятлари”** деб номланган.

Бу борадаги тадқиқотимиз кўпдан-кўп жиҳатлар орасидан амалга оширилаётган ислохотларнинг бугунги кунга мос янги ва замонавий инновациялар тизими шаклланиши, бу борадаги ўзгаришлар тадрижи ва динамикасини белгилаб бераётганидан далолат бермоқда.

Айни пайтда, ушбу жараён янги жамиятга мос инновацияларни шакллантириш учун, аввало, одамлар тафаккурини ўзгартириш, замонавий фикрлайдиган авлодни тарбиялаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Диссертация учинчи боби **“Жамият инновацион ривожланишини таъминлаш сиёсатидаги маънавий янгиланишлар жараёнининг муаммолари ва ечимлари механизми”** деб номланган биринчи параграф айни шу масалалар таҳлилига бағишланган. Бу жиҳатдан, тадқиқотимиз кейинги йилларда инновацион янгиланишнинг юртимизга хос намоён бўлиш хусусиятлари дунё халқларининг илғор демократик давлат ва фуқаролик жамиятини куриш жараёнида кўзга ташланган умумий қонуниятлар ва уларнинг муайян мамлакат учун муҳим бўлган жиҳатларини ўзида акс эттиради. Масалан, XX аср сўнгига келиб ривожланган давлатлар даражасига етган Япония, Корея, Хитой, Сингапур каби мамлакатлар ана шундай сермашаққат ислохотлар ва ўзгаришлар йўлидан борди, бугунги кунда **“дунё мўъжизалари”** деб аталадиган тараққиёт даражасига эришди.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги даврида юртимизда ҳам ана шундай янги ривожланиш босқичи, яъни жамият янги қиёфасини яратиш даври бошланди. Бу борада кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда ушбу жараёнда жамият ҳаётининг барча соҳаларида кўплаб инновациялар ўз аксини топмоқда. Мамлакат миқёсида рақобатбардош ва ташқи олам учун очиқ ижтимоий-иқтисодий макон - барқарор ривожланиш парадигмаларга асосланадиган Янги Ўзбекистон барпо этилмоқда. Ушбу мақсад йўлида аҳолининг барча қатламлари, ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро органлари,

фуқаролик институтларининг имкониятлари ишга солинмоқда.

Ушбу жараённинг устувор йўналишлари ва ўзига хос хусусиятларини яққол намоён этадиган диалектик тамойиллар юртимизда кейинги йилларда шакллана бошлаган инновацион ривожланиш сиёсатининг нафақат ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жабҳалар, балки маънавий-маърифий, маданий ва ижодий соҳаларга ҳам бевосита тааллуқли бўлаётганини англатади.

Бундан ташқари, замонавий инновациялар тизими шаклланиши ҳамда асос бўлаётган демократик янгиланишлар фаоллашуви илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги ишлар сифатини ошириш, маънавият, маърифат, бадиий ижод соҳаларига давлат эътиборини кучайтирди бу борадаги ўзгаришларга жамият қиёфасини янгилаш ва янги Ўзбекистонни барпо этишга катта таъсир кўрсатадиган омиллар сифатида қарала бошланди.

Шунга мос равишда оммавий ахборот воситаларининг тури ва сони ортиб бормоқда, нашриётлар, газета ва журналлар кўпайди, ахборот коммуникациялари ва ижтимоий тармоқлар сони ва салмоғи ортиб бормоқда. Айни пайтда, ушбу ўзгаришларга мос ижтимоий-сиёсий янгиланишларни ифодалайдиган янги ва замонавий тузилмаларни такомиллаштириш, маънавиятнинг ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини мустаҳкамлашга эътибор қаратилмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда янгиланаётган жамиятга хос янги маънавий қиёфа ва замонавий инновацион ривожланиш сиёсати шаклланишининг асосий йўналишларини акс эттиради турли шаклдаги инновациялар шаклланишининг энг муҳим мезонларини белгилайди.

Шу сабабдан ҳам учинчи бобнинг иккинчи параграфида “Иқтисодий сиёсатга доир замонавий инновацион тамойилларни оптималлаштириш йўллари” ва бу борадаги самарали усуллар ҳамда воситаларнинг аҳамияти билан боғлиқ масалалар ўрганилган. Негаки, янгиланиш йўлидан дадил бораётган давлатимиз тараққиётига мос инновацион ривожланиш сиёсатида жамиятнинг кейинги йиллардаги иқтисодий ривожланишга хизмат қилаётган ислохотлар, ниҳоятда, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиздаги янгиланиш динамикасининг ўзига хос инъикоси бўлган бундай имконият жамият иқтисоди ва иқтисодий тузилмалар фаолиятини янгилаш ва ривожлантириш жараёни билан бирга, кўп жиҳатдан, халқимиз ҳаётининг барча соҳаларида шаклланаётган замонавий инновациялар амалиётини ҳам белгилайди. Ушбу жараённинг ўзига хос хусусиятлари тўла-тўқис намоён бўлиши билан боғлиқ умумий қонуниятлар ва мамлакатимизга хос жиҳатларга доир фаолият мезонлари ҳам иқтисодий омиллар таъсирида шаклланади ва такомиллашиб боради.

Яқин ўн йилликларда янги Ўзбекистонни барпо этишнинг иқтисодий йўналишлари бу борада бутун жамиятда амалга оширилаётган инновацион ўзгаришлар ва инновациялар тизими янгиланиши жараёнининг ушбу жабҳадаги асослари мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Мамлакатимизнинг табиий иқлим шароити, моддий бойликлари, иқтисодий тараққиёт имкониятлари, барча соҳалардаги янгиланишлар қатори



инновацион ривожланиш сиёсати шаклланишининг кафолатидир.

